
Каттақашқар маҳалласининг ички йўллари асфальтлаш учун тайёрланмоқда

Бугунги кунда Қува туманида маҳаллаларнинг инфратузилмасини янада яхшилаш, аҳолини узоқ йиллардан буён қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш мақсадида ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур ишлар фақатгина бир мақсадга аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш, мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган.

Ана шундай эзгу ишлардан бири бугун Каттақашқар маҳалласида кекса нуронийларнинг дуолари билан бошлаб юборилди. Худуднинг 5 та кўчасидаги жами 13 км ички йўллارни асфальтлашга учун дастлаб қадам, шағаллаштириш ишлари бошланди. Ушбу ишларни амалга ошириш учун 5 млрд сўмдан ортиқ маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Олиб борилаётган бундай ишлардан маҳалла аҳли бирдек хурсанд.

2023-02-21 18:28:01